

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 2 июль жума

Сотувда эркин нархда

№ 130 (2168)


БЕДОР ЎЙ

*Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканлигини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрт равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.*

**Ислом КАРИМОВ**

ШУ СОНГА ХАБАР

## ЯЛПИ ХИРМОН 20 МИНГ ТОННАГА ЕТАДИ

Навбаҳор тумани ғаллакорлари бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олишган. Ўтган йили кузда майдонларга маҳаллий шароитга мос сара уруғлар экилган эди. Натижа кўнгилдагидан ҳам зиёда бўлди. Ўрим-йиғимга эса уюшқоқлик билан жадал киришилди. 32 та комбайн, шу жумладан, 7 та «Кейс» унум билан ишлатилганлиги натижасида қисқа муддатда шартнома режаси уддаланди. Давлатга 16 минг 500 тоннага яқин сара дон сотилди. «Янгиқўрғон», Соатқул Жўраев номли, Навоий номли, «Учтут», «Навбаҳор» жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик ўртача 46-48 центнерга етди. Қўчқор Қувватов, Икром Раимов сингари пудратчилар далаларида 61-63 центнердан хирмон кўтарилди.

Навоий тумани ғаллакорлари ҳам навбаҳорликлардан қолишмадилар. Навоийликлар 12 минг тоннага яқин дон топшириб, давлат шартнома режасини бултургига қараганда барвақт уддаладилар. Бу ғалабага Қодир Раҳимов номли, «Жалойир», «Зарафшон» жамоа хўжаликлари, айниқса, муносиб улуш қўшдилар.

Навбаҳорликлар ялпи хирмонни камида 20 минг, навоийликлар 14 минг тоннага етказиш учун ўрим-йиғимни давом эттирмоқдалар.

**П. ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕРДАН

Тоғли Китоб тумани ғаллакорлари зафар қучдилар. Улар хирмонга 12 минг 500 тоннадан зиёд дон топширдилар. Ўртача ҳосилдорлик 40 центнердан ортди.

Туманда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этяпти.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**



ФОТО репортаж



## УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШДА ИШ ҚИЗҒИН

*Метро бутун жаҳонда йўловчилар ташиш транспортининг барча фаслга мос, энг қулай ва ўнғай воситаларидан бири саналади. Айниқса, аҳолиси кўп йирик шаҳарларда унинг ўрни ўн чандон ортиқ билинади. Пойтахтимизда метрополитеннинг учинчи — «Юнусобод» йўналишини қуришга жадаллик билан киришилганининг асосий боиси ана шунда. Узунлиги 7,6 километр бўлган 6 та бекатдан иборат бу йўналишда ишлар тобора авжига чиқмоқда. Қолган учта, яъни «Файзулла Хўжаев», «Юнусобод», «Туркистон» бекатларида эса қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.*

*— «Бодомзор» билан «Минор» метро бекатларини туташтирувчи ер ости поезд йўли 930 метрни ташкил этади, — дейди 22-шахта участка бошлиғи Костас Мичос Хондроянис. — Шу кунгача ўнг томондаги ер ости йўлининг 783 метри ковлаб бўлинди. Чап томондагиси эса 600 метрга етди. Ҳар ойда 50 метр масофадаги ерни навбатдаги босқич ишлари учун ҳозирлаб қўяяпмиз.*

**СУРАТЛАРДА: «Тошметроқурилиш» трести раҳбарияти қурилиш-монтаж ишлари билан ана шу йўсинда танишиб боради; «Юнус Ражабий» метро бекатида иш қизғин; 22-шахта смена бошлиғи Владислав Бедин (чапда) ва «Тошметроқурилиш» трести бўлим бошлиғи Владимир Старовский ер ости ишларини кузатишмоқда.**



**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Бу вилоят пиллакорлари бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Улар давлат хирмонига 1,5 минг тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси етказиб бердилар. Бу ютуққа Гўзалкент, Пахтачи, Пайариқ, Паст Дарғом, Самарқанд туманлари "кумуш тола" ижодкорлари муносиб улуш қўшдилар.

Пилла тайёрлаш давом этмоқда.

**Ҳ.ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ЭЪТИБОР

Сирдарё вилояти ҳокимлигида ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, тиббиёт, таълим, маориф ва маданият муассасалари раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Ў.Исмоилов олиб борди.

Сўзга чиққанлар вилоятда маориф, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда ўртага қўйилган вазифаларни изчиллик билан бажариш, таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, жисмоний тарбия ва спорт мажмуалари, маданий-маиший иншоотлар қурилишини янада жадаллаштириш, уларни замонавий техник жиҳозлар билан таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

## РАҲБАРМИСИЗ, ИЗЛАНИНГ, ИНТИЛИНГ, ТАШАББУС КЎРСАТИНГ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар барчамизга, аввало, раҳбарларимизга, улар қандай катта-кичик лавозимни эгаллашларидан қатъи назар, бениҳоя катта талабларни қўймоқда.**

XXI аср сари

Бугунги кунда барча жабҳаларда ислоҳотлар қай даражада амалга ошаётганлиги, юксалиш суръатлари, кишиларнинг турмуш даражалари, ҳатто кайфияти кўп жиҳатдан жойлардаги раҳбарларимизнинг етуклигига, уларнинг зиммасидаги масъулиятни нечоғлик ҳис этишига, давр талабларини қай даражада тушунишига боғлиқдир. Шу боис ҳам раҳбарларимизга нисбатан талабчанлик ошмоқда.

Раҳбарнинг иши, етилган масалаларга ёндашиши ва уларни ҳал этиш усули, яшаш тарзи, атрофдагиларга муносабати, истиқболни кўра-билиши, қўйинг-чи, унинг ҳар бир қадами кишилар эътиборида. Яна шуниси борки, кишилар раҳбарнинг сўзига қараб эмас, балки, аввало, унинг тутаётган ишига қараб баҳо беради. Давримиз шиддат билан одим отяпти. Ташлаётган қадамимиз шунга монанд бўлмоғи шарт. Раҳбарга ҳардамхаёллик, лоқайдлик, юзакичилик каби ҳолатлар бутунлай ёт бўлмоғи даркор. Аксинча, у куйди-пишди бўлиши, ҳамиша ёниб туриши, чақмоқдек атрофдагиларга нур таратиб туриши даркорки, токи кишилар унга ҳавас билан қарасин, унга эргашсин. Ундаги шижоат, ғайрат ва яхши маънодаги беҳаловатлик бошқаларга ҳам ўтсин. Ана шу тоифадаги раҳбарларни халқ «ўзи ҳам тинчимайди, бошқаларни ҳам тинчитмайди» деб атайди, уларга ҳавас билан қарайди. Шиддатли давримиз худди шуни тақозо этмоқда.

Раҳбармисиз, изланинг, интилинг ва ташаббус кўрсатинг. Унутманг, бир тизимдан иккинчисига, биз учун тамомила янги тизимга ўтяпмиз. Иқтисодиётимизни шунга мослаяпмиз, шу жараён асносида руҳимиз, онгимиз ҳам ўзгариб бораётир. Ёниб ишлаш, аниқ мақсадни кўзлаш, истиқболни тўғри белгилаш, кишилар юрагига чўғ ташлаш, уларни руҳлантириш, янги, янада каттароқ ишларга ундаш — ҳозирги пайтда барча поғонадаги раҳбарларимизнинг кундалик фазилатига айланмоғи керак. Кундалик ишлар билангина ўралашиб қолмаслик, балки айни пайтда эртанги кунни ҳам кўзламоқ даркор. Қаерда нимани амалга ошириш лозим, унинг натижаси нима бўлади — барисининг аниқ ҳисоб-китоби бўлсин.

Шуни қониқиш билан таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида замонга мос, давримиз талабларини яхши тушунадиган, эл-юрт манфаати йўлида жон куйдириб ишлайдиган, том маънодаги фидойи раҳбарларнинг катта гуруҳи етишишиб чиқди. Юртимизда юз бераётган ажойиб ўзгаришларда — иқтисодиёт, маданий-маънавий юксалишимизда уларнинг ўрни ва мавқеи каттадир. Улар — шу юртнинг юзи, халқимизнинг кўрки-ғурури.

Юртимизда жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бундан ҳаммамиз ва ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз. Шаҳар-қишлоқларимиз чиройи таниб бўлмас даражада ўзгариб боряпти, улкан корхоналар бирин-кетин қад ростлаяпти, иқтисодиётимиз юксалишнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олмоқда. Лекин айни пайтда қиладиган ишларимиз кўлами кенглигини, ечимини кутиб турган муаммолар ҳам етарли эканлигини кўрмаслик нотўғри бўлур эди. Мавжуд экин майдонларидан паст ҳосил олаётган, оқибатда юртга фойда эмас, зарар келтираётган хўжаликлар ҳали ҳам бор. Айниқса, тоғ олди ва чўл зоналарида бундай хўжаликларнинг сони камаймӓётир. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги аксарият туманлар экин майдонларининг аҳволидан кўнгил тўлмайди. Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг кўпгина туманларидаги мактаб, шифохоналарнинг аҳволи ночор эканлиги сир эмас. Бухоро ҳамда Сурхондарё вилоятларида ичимлик суви ва табиий газ етиб бормаган қишлоқлар бор.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар, шунингдек, жойларда омма ўртасида, аввало, ёшлар ўртасида маънавият ва маърифат тарқатиш, уларни бизга ёт ва зарарли мафкура таъсиридан асраш каби масалалар ҳар бир раҳбарни безовта қилиши, унинг ҳаловатини бузишини табиий ҳол, деб ҳисоблаймиз. Чунки мансабдор халқ учун, халқ мансабдор учун эмас — ҳозирги қўйилаётган талаб ана шундай. Замон руҳига мос, давр талабига хос бўлмоқ, халқнинг ишончини оқлаш, унинг умидларини рўёбга чиқариш — раҳбарларимизнинг муқаддас бурчи.

Чўл зоналарида пахтадан гектар бошига 10-12 центнердан ҳосил олаётган хўжаликлар бор. Суғориладиган майдонларда 15-20 центнердан ғалла етиштираётганлар йўқ эмас. Айни пайтда худди шундай шароитда пахтадан 30, ғалладан 40-45 центнердан хирмон уяётганлар ҳам бор. Хўш, нега шундай, шароит бир хил, имконият ҳам шундай, лекин эришилаётган натижаларда ер билан осмонча фарқ бор? Ҳамма гап шундаки, бир хўжаликка тиниб-тинчимас, диёнатли, масъулиятни чуқур ҳис этадиган ходим раҳбар, иккинчи хўжаликнинг раҳбарлик курсисида эса лоқайд, боқибеғам кимса ўтирибди, унда интилиш, изланиш, ташаббус етишмайди.

Раҳбармисиз, юқоридан бўладиган топшириқни кутиб ўтирманг, етук мутахассислар, кўпни кўрган оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, муаммолар ечимини изланг, топинг, уларни қатъият билан ечинг. Раҳбар учун хотиржамлик кайфияти ёт бўлмоғи даркор. Замон шундай, шиддатли давримизнинг талаби, хусусияти шундай. Ўз кучингизга, салоҳиятингизга ишонинг, атрофдагиларга суянинг — шунда ишингизда унум, ўзгариш бўлади. Кишиларни рағбатлантиринг, уларнинг муаммоларини ечишга ёрдам беринг, одамлар кўнглини кўтаринг,ҳурматини жойига қўйинг — шундай қилсангиз, аҳвол ўнгланаверади, барча жабҳалардаги кўрсаткичлар яхшиланаверади.

Ватанга чексиз садоқат билан хизмат қилишни, эл-юрт манфаатлари йўлида бениҳоя фидойиликни ҳаммамиз Йўлбошчимиздан ўрганайлик. У киши ўз шахсий ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, Ўзбекистон деб аталмиш бизнинг муқаддас юртимизни гуллаб-яшнатиш, унинг обрў-эътиборини юксакликларга кўтариш йўлида жон койитиб, ёниб меҳнат қилмоқда. Юртбошимиздаги тенгсиз ғайрат, мислсиз шижоат барча поғонадаги раҳбарларимизни янги-янги зафарларга руҳлантираверсин.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**

## ОР-НОМУСИМИЗ ВА ҚАДР-ҚИММАТИМИЗ РАМЗИ

### Мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинганига етти йил тўлди



Биз умумхалқ шодиёналари сифатида нишонлашга қизғин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон мустақиллигининг шонли саккиз йиллиги куни тобора яқинлашмоқда. Бу сананинг Ватанимиз, халқимиз ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, аҳамияти беқиёс ва бебаҳодир. Жумладан, Истиқлол шу пайтгача мавжуд бўлган бир қатор анъанавий тушунчаларнинг асл, табаррук маъносини қайтариб берди. Масалан, Ўзбекистон узоқ ўн йиллар мобайнида номигагина алоҳида бир ўлка саналарди. Аммо у, аслида, аввал чор салтанатига, кейин қизил империяга тобе бир ҳудуд бўлиб келди. Ўзбекистоннинг номи ҳам хариталарда эсланиб-эсланмас, дунё миқёсида шундай бир юрт борлигини кўпчилик ё билар, ё билмас эди. Истиқлол Ўзбекистонни жаҳондаги таниқли, келажаги порлоқ, мустақил бир давлатга айлантирди. У ўз тарихи, бой маънавий-маданий мероси, миллий урф-одатлари ва анъаналарига эга бўлди. Ўзбекистон истиқлол туфайли ўзини таниди.

Ватанимиз собиқ мустабид тузуми шароитида номигагина ўз мадҳиясига, байроғига, жумладан, гербига ҳам эга эди. Аммо улар қанақа маъно-моҳиятни англатар эди? Ҳамма гап ана шунда. Масалан, собиқ «социалистик Ўзбекистон» ўз мадҳиясининг илк сатрларидаёқ ўзини қўйиб, аввало, «улуғ оға»ларга эгилиб, таъзим билан салом изҳор этар, у ўз ҳаётини ҳар тонг, ҳар кун ана шундай таъзимкорлик мафкураси билан бошлар эди.

Ўзбекистоннинг собиқ байроғи, гербида ҳам шу юрт, шу халқнинг дунёда борлигини эсга соладиган ўзига хос бир белги, бўёқдан асар йўқ эди. Улар — миллат, халқ рамзи эмас, балки миллат, халқ тепасида ҳукмрон бўлиб турган режим, сиёсат ва дунёқарашни ҳар кун, ҳар соат ва ҳар бурчакда одамлар ёдига солиб турар эди. Истиқлол бу сохта, зўравонлик рамзларини ҳам бекор қилди ва Ўзбекистонни ҳақиқий ўз Давлат мадҳиясига, ўз Давлат байроғига, ўз Давлат гербига муяссар этди.

Жумладан, 1992 йилнинг 2 июль куни мамлакатимиз Парламентида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ва у мустақил Ўзбекистоннинг бетакрор руҳли, фақат ўзига хос мазмун-моҳиятли давлат рамзларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби думалоқ кўринишга эга бўлиб, бу шакл сўл томонидан буғдой бошоқлари, ўнг томонидан эса чаноқлари очилган ғўза ниҳолларидан иборат чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш нурларини сочиб турибди.

Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистон мустақиллигининг рамзи сифатида саккиз бурчакли юлдуз, унинг ички қисмида эса ярим ой ва юлдуз, марказида — бахт ва эркесварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қайси идора, муассаса, ташкилотлар биноларида ўрнатилиши расмий махсус қонун ва қарорлар асосида белгиланган. Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш маҳаллий давлат идоралари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби мустақил давлатимиз рамзларидан бири сифатида ҳукуматнинг юқори бошқарув идораларида, Олий суд, Ҳарбий трибунал, прокуратура, дипломатик, савдо ваколатхоналари ҳамда консулликлар биноларида, сессия ва йиғинлар ўтказиладиган залларда, суд биноси залларида ўрнатилган. Шунингдек, Давлат гербимиз муҳрларда ва олий органлар бланкаларида, қоғоз пулларда ва металл тангаларда, облигацияларда, фуқаролик паспортларида муҳрланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилиб турган ўзга шахслар Давлат гербимизни ҳурмат қилишлари шарт.

Давлат гербини беҳурмат қилган шахслар қонунларда белгиланган тартибда жазоланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби бамисоли Давлат мадҳиямиз, Давлат байроғимиз каби ор-номусимиз ва қадр-қимматимизнинг олий рамзидир.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси республикамиз ижодкорлари ва қаламкашлари учун Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловига ижодий ишлар қабул қилишни давом эттирмоқда.**

*Эслатиб ўтамиз, танловга тақдим этилаётган муаллифлик ишларида ва фотосуратларда қуйидагилар кенг ёритилган бўлиши лозим:*

**она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;**

**миллий ғурур, инсоний қадриятлар;**

**кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;**

**фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётган замондошларимиз;**

**мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;**

**буюк истиқлолнинг улуғ неъматлари.**

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

**1-мукофот (бир дона) — компьютер;**

**2-мукофот (икки дона) — телевизор;**

**3-мукофот (уч дона) — видеомагнитофон.**

Танлов ғолиблари 1999 йил Мустақиллик байрами арафасида аниқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этиладиган мақола ва суратлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва бошқа ижодий ишлар қуйидаги манзилда икки нусхада таҳририят тавсияси билан 1999 йил 1 августга қадар қабул қилинади:

**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 37-хона, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, "Энг улуғ, энг азиз" танловига.**
**Телефонлар:**
**144-11-30, 144-57-24**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Исмоил бобо Бекжонов номини Янгиариқ туманидаги «Гулистон» ширкатлар хўжалигида катта-ю кичик ҳурмат билан тилга олади. Сабаби — у 30 йилдан кўпроқ шу хўжаликка раҳбар бўлиб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Бугунги кунда эса ўғли — Отабек Бекжонов жамоани бошқармоқда. Меҳнат аҳли гектар ҳисобига 60 центнердан ғалла, 40 центнердан пахта етиштириш йўлида астойдил ишлаётир.

**СУРАТДА: Исмоил бобо Бекжонов, хўжалик агрономи Оллоназар Султонов, бошқарув раиси Отабек Бекжонов ва механизатор Сапармат Абдураимов галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашишаяпти.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ПЕШТАХТАЛАРДА... ЎЗЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТИ

***Ўтган йили Қорақалпоғистоннинг Чимбой шаҳрида 500 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган музлатгич ишга туширилган эди. Лекин Финляндия ускуналари билан жиҳозланган бу музлатгич тўлиқ қувват билан ишлай олмади. Нима қилиш керак? Шунча пулга сотиб олинган мосламалар қачон фойда келтиради? «Қорақалпоқтутинув» акциядорлик компанияси раҳбарияти шу саволга жавоб излаб, ниҳоят, топди. Музлатгич негизида 1113-агросаноат мажмуи ташкил қилинди.***



**Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?**

Маълумки, Чимбой атрофида Қорақалпоғистоннинг бешта тумани жойлашган. Экологик муҳитнинг носозлиги туфайли бу ерда деҳқончилик қилиш қийин. Аммо айни пишиқчилик палласида республиканинг бошқа ҳудудларида етиштирилган мева ва полиз маҳсулотларини йил бўйи қайта ишлаб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилса бўлади.

«Қорақалпоқтутинув» раҳбарияти янги мажмуани ташкил этишда шу мақсадни кўзда тутган эди. Энди бу ерда ойига 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тўғри, ҳозирча корхонада нон, макарон, қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар, музқаймоқ, қази тайёрланмоқда. Тез орада консерва заводи ҳам фойдаланишга топширилади.

— Бугунги кунда «Қорақалпоқтутинув» таркибида 571 та савдо, 378 та умумий овқатланиш шохобчаси, 159 та ишлаб чиқариш цехи, 5 та ижтимоий хизмат кўрсатиш корхонаси қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда, — дейди компания бошқаруви раиси Давлатали Сахиев. — Биз ҳар бир қишлоқда гузарлар, турли йўналишдаги ишлаб чиқариш цехлари бўлишига эришишни режалаштирганмиз. Савдо дўконларимиз товар-маҳсулотларга тўлиқ бўлишини таъминлаш мақсадида қатор корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзолаганмиз. Жорий йилнинг шу кунигача хориждан 700 тоннадан зиёд ун, 200 тоннадан зиёд ўсимлик мойи олиб келинди. Ўз навбатида 40 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортга чиқардик.

Муҳими, қорақалпоғистонлик матлуботчилар дўконларни ўзларида ишлаб чиқарилган нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки халқ истеъмол моллари билан ҳам тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг самараси шу бўлдики, улар жорий йилнинг биринчи ярмини 200 миллион сўмга яқин фойда билан якунлашди. Бу маблағ янги корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари қуриш, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланади.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИХТИСОСЛАШГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ — «ПАХТА-БАНК»

ўз мижозлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги

***«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ***

орқали бевосита мулоқот қилишни йўлга қўяди:
**78-09-41, 173-25-48, 173-25-01, 173-25-34, 173-25-11, 78-78-67.**

Сиз ушбу телефон рақамлари орқали «Пахта-банк» тизимида қандай хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари борлиги ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз, банк хизмати тизимида учраб турган муаммо ва камчиликлар хусусида хабар беришингиз, банк хизматини янада яхшилашга оид фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни баён этишингиз, шунингдек, ўзингиз манфаатдор бўлган бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.



«Пахта-банк» сизлар билан мунтазам алоқада бўлиш, ўзаро фикр алмашишдан манфаатдордир. Биз ўз мижозларимизга ва банкимиз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлганларга амалий ёрдам кўрсатишга доим тайёрмиз!

«ПАХТА-БАНК» БОШҚАРУВИ.

1873

# ТАЙЁР ОШГА «БАКОВУЛ» КЕРАКМИ?

## Бозор бедарвоза эмас

**Ўлкамизда пишиқчилик фасли бошланиб, бозор расталари сархил ноз-неъматларга тўлиб бормоқда. Нарх-наво анча тушган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Шарқ бозорлари азалдан тўкинчилик, қут-барака, маъмурчилик рамзи саналган. Уларни таърифлаш учун ортиқча ташбеҳ излашга ҳожат йўқ. Қай бир юртнинг аъмолини билмоқчи бўлсанг, ё бозорига, ё мозорига бор, дейишади. Аслида ҳам шундай. Бозор жамиятнинг ўзига хос барометри: қозонда борини кўрсатади. Шу маънода, моддий турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги бозордаги иқтисодий аҳвол билан чамбарчас боғлиқдир.**

**Кейинги йилларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бозорлар фаолиятини яхшилашга қаратилган бир қатор фармонлар ҳамда муҳим қарорлар қабул қилинди. Уларнинг амалдаги самараси кундалик турмушимизда ўз аксини топаётир. Бу йўналишдаги туб ўзгаришларни сезмаслик ва тан олмаслик инсофдан эмас. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаётган кўркам, замонавий савдо масканлари ҳар қандай кишининг ақлини шоширади. Уни ҳам қўйинг, Тошкент бозорларини бир-икки йил аввал кўрган меҳмон бугун танимаслиги аниқ. Бозор эмас, мўъжизанинг ўзи!**

**Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бозор остонаси покиза бўлиши лозим. Савдо-сотиқ ишида ижтимоий адолат тамойили бузилдими, унинг касри ҳаммага тегади. Чунки бозорга йўли тушмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Тирикчилик учун сабзи-пиёздан тортиб, анчайин ошкўккача керак-ку, ахир. Савол туғилади: рўзғор кам-кўстини бутлаш илинжида бу ерга келган харидорга қандай хизмат кўрсатилаяпти, унга нималар таклиф этилаяпти? Бозордаги нарх-наво истеъмолчи чўнтагига тўғри келадими? Қолаверса, пештахтаю расталарда кўзни ўйнатиб турган ўша сархил маҳсулотларнинг ҳақиқий соҳибкори ким? Заҳматкаш деҳқонми ёхуд бирни ўнга пуллаб, мўмай даромад топаётган олибсотарми?**

**Келинг, бу саволларга жавоб топишдан аввал сўз навбатини вилоятлардаги ўз мухбирларимизга берайлик. Улар тайёрлаб юборган рейд материалларида бир қатор деҳқон бозорларининг бугунги манзараси ўз аксини топган.**

- *Бозор остонаси покиза бўлсин!*
- *Кун тартибида — истеъмолчи манфаати*
- *Меҳнати деҳқонга-ю, иззати олибсотаргами?*
- *Қарс икки қўлдан чиқади .*

### БИРИНЧИ МАНЗАРА

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ (Андижон):**

— Кун иссиқ. Даладан келтирган маҳсулотини очиқ майдонга тўккан деҳқон кафтдеккина соябон кўланкасида амаллаб жон сақлайди. Помидор, бодринг расталарида туманот одам. Тартибсизлик, атрофнинг ифлослиги, савдо-сотиқ жараёнида йўл қўйилаётган ғайриқонуний ишлар бугунги кунда Қорасув шаҳар деҳқон бозорининг эгасизланиб қолганидан нишона. Нега десангиз, бозорнинг асосий савдо расталарини олибсотарлар, бел оғритмай пул топишга мазахўрак бўлиб қолганлар эгаллаган. Сабзи, пиёз, картошка сотаётганларнинг кўпчилиги умрида дала юзини кўрмаган. Бироқ улар деҳқон келтирган маҳсулотни арзонгаров олиб, қимматига сотишда устаси фаранг. Шу сабабдан бўлса керак, Қорасув бозорида тўрт ойлик жой ҳақи йиғими 40,2 фоизга, ижара ҳақи тўплаш 24,5 ва пуллик хизмат кўрсатиш топшириғи 27,7 фоизга уддаланган, холос. Вилоятдаги бир қатор деҳқон бозорларида эса бу борадаги кўрсаткичлар 103-111 фоизни ташкил этади.

— Помидорнинг нархи қанчадан? — сўраймиз Олтинкўл туманининг Кўмакай қишлоғидан келган Неъматжон ака Манноповдан.

— Килосини 20 сўмдан сотаяпман, тортайми?

— Бундан кам бўлмайдими?

— Ўз томорқамда етиштирганман. Арзонга сотсам, биров уришмайди, биродар.

— Сизники ҳам шу нархми? — юзландик салқин жойда гилос, бодринг, помидор сотаётган аёлга. Маълум бўлишича, унинг исм-шарифи Арофат Аҳмаджонова экан.

— Помидорга 30 сўм, гилосга 150, бодрингга 45 сўмдан бераверасизлар.

— Буларни ўз томорқангизда етиштирганмисиз? Шаҳрихон марказий деҳқон бозорида помидор 15 сўмдан, Андижонда бодринг 30, пиёз эса 20-25 сўмдан сотилаяпти. Сиз бўлсангиз...

— Нима қилайлик, иним? Шу маҳсулотларни Андижондан олиб келиб сотамиз. Харажати бор. Бола-чақани боқиш керак-ку...

Яна бозор оралаймиз. Ҳамма ўз ташвиши билан банд.

— Тўлов чиптаси олдингизми? — сўрадик саримсоқ пиёз сотаётган ўрта ёшли аёлдан.

— Йўқ, — дейди у. — Аммо ҳар куни беришади.

— Кечагисини кўрсатингчи?

— Эсиз, ташлаб юборибман.

Вақт тушга яқинлашиб қолган эди. «Нега шу пайтгача чипта тарқатилмади?» деган саволимизга бозор раҳбари Муҳаммаджон Исмоиловнинг муовини Зокиржон баҳона кўрсатишдан нарига ўтолмади.

— Шакарнинг баҳоси қанча?

— 250 сўмдан, — дейди пештахта ортида турган Жалолиддин Сирожиддинов бамайлихотирлик билан.

Наҳотки, у амалдаги қонун-қоидаларга зид иш тутаётганини билмаса? Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 4 сентябрда қабул қилинган «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли қарорида «... мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ун, қанд-шакар, ўсимлик ва мол ёғи, маргарин... сингари маҳсулотларни чакана ва майда улгуржи савдо қилиш фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилиши зарур»лиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бозор маъмурияти, шаҳар солиқ идорасининг бозордаги вакили Муҳаммадсоли Боқиев ва бошқа мутасаддилар қарор ижросини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Акс ҳолда, «тадбиркорлар» ҳар килограмм шакар устига оз эмас, кўп эмас, юз сўмдан «шапка» қўйиб сотишга журъат қилмаган бўлишарди. Ёки бунинг тагида бошқа гап бормикин?



Биз Андижон, Шаҳрихон шаҳарлари, Марҳамат, Пойтуғ деҳқон бозорларида ҳам бўлдик. Далаларда қилинган фидокорона меҳнатнинг самараси ўлароқ, пештахталар мева-чева, сабзавот маҳсулотлари билан тўкин-сочин. Маъмурчилик бўлгани ҳамма учун яхши, албатта. Деҳқон ўз маҳсулотининг баҳоси хусусида харидор билан ортиқча тортишмайди. Бозорга ин қуриб олган «кундашундалар» эса нарх-навонинг қимматлашувига сабабчи бўлмоқдалар. Фикримизча, уларга нисбатан тегишли чора-тадбир қўллаш пайти етганга ўхшайди. Тайёр ошга «баковул» керакмикин?..

### ИККИНЧИ МАНЗАРА

**Олимжон УСАНОВ (Сурхондарё):**

— Қизириқ бозори деҳқоннинг пайкали-ю, миришкорнинг боғлари ва томорқаларига энг яқин бозор. Шунга қарамай, айримлар бу жойни олибсотарлар бозори, деб айтишар экан. Туман солиқчилари яқинда аҳволни бир кузатиб, баъзи «нарса»ларни аниқладилар. Уларнинг хулосаларидан кўчирмалар келтирамиз: Бахтиёр Қўшшаев Қизириқ туманидаги «Гиламбоп» жамоа хўжалигининг 5-бўлимида яшайди. Бозорда сотиб ўтирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қаерда етиштирилгани ҳақида ҳужжат сўралганда, у «узумини енг-у, боғини суриштирманг» қабилида жавоб қилди. Ойсоат Алибоева ҳам ҳар куни бозорда. Деҳқон олиб келган маҳсулотни кўтарасига (табиийки, арзонроғига) олади-ю, сўнг шошилмасдан бозорнинг «аъмоли»га қараб сотаверади.

Солиқ ходимларининг суриштируви бошлангач, бозордаги сотувчилар қатори сийраклашиб қолганини кузатдик. Сотувчи Ҳадича Нуралиевадан «Растадаги бу карам, бодринг, пиёз, картошка кимники?» деб сўрасак, буларнинг эгаси текширувчилардан ҳуркиб турибди, кейинроқ келади, деди. Демак, солиқчиларнинг қоғозига тушаётган олибсотарлар фақат Бахтиёр билан Ойсоат опа эмас. Улар... кўп. Солиқ идораси, табиийки, бозорни доимий равишда назорат қилолмайди. Бу иш асосий вазифаси саналган бозор маъмурияти бўлса...

Ўша куни бозорқўм раиси Қодир Тоғаев чошгоҳларда ишга келди. Биргаликда бозор оралаймиз. Пойгакроқда — шундоқ офтоб тиғида беш-ўн киши картошка, пиёзларини ерга ёйиб қўйиб, чордона қуриб ўтирганча, савдо-сотиқ қилишаяпти. Улардан бири — Қурбон бобо Ғаффоров бўлиб, «Истара» хўжалигининг Оқжар қишлоғидан экан. Рўзғорга чой пули бўлсин, деб томорқасида етиштирган маҳсулотларини олиб келибди.

— Нима, сизларга салқин жой тегмадими?

— Салқин жойнинг ўз эгалари бор, — дея бободан олдинроқ жавоб берди Сора Асирова деган опамиз. — Уларнинг пишагини биров пишт демайди. Молимизни бозор нархидан 4-5 сўм арзонига сотамиз. Эртагача қоладиган бўлса, сақлайдиган жой йўқ. ..

Бу муаммоми, муаммо! Бозорда деҳқонлар учун меҳмонхона йўқ. Сотувчилардан оқ халат киймайсизми, деб биров сўрамайди. Бизга айтишларича, яқинда бозор қошида тайёрлов-савдо корхонаси очилибди (ниҳоят!).

— Асосий таъсисчимиз бозор, — дейди шу корхона бошлиғи Қудрат Муҳаммадиев. — Ниятлар катта. Деҳқонлардан маҳсулот харид қилайлик десак, таъсисчимиз ҳозирча нақд пул топиб беролмай турибди.

Энди гапни Термиздан эшитинг. Шаҳардаги марказий деҳқон бозори вилоят бўйича патта тушумларининг еттидан бир фоизини беради. Сатҳи кенгу мўл. Расталари обод. Ҳудудида саранжом-саришталик. Лекин бу ҳамма ишлар жойида, дегани эмас. Деҳқон бозорида фақат деҳқонлар ўтирмаганини, олибсотарчасига улгуржи савдо анча «ривож» топганини бозор маъмурлари ҳам (раиси Шайдулла Бойбўтаев) эътироф қилишади.

— Мен Термизнинг Саловат қишлоғиданман, — дейди София Жўраева. — Бир қисм маҳсулотлар ўзимизнинг томорқадан чиққан. Помидорни бўлса, бировдан улгуржи сотиб олиб, бозор кўтарган нархда сотаяпман. Деҳқонларнинг ўзлари маҳсулотимизни олинг, деб таклиф қилишади.

Балки шундайдир. Нима бўлганда ҳам, бозорда олибсотарлик ғайриқонуний ҳолат эмасми? Деҳқон уззукун бозорда ўтириб, савдо қилолмайди. Бунга унинг вақти ҳам, имкони ҳам йўқ. Умрида дала юзини кўрмаган «учар»лар эса бундан фойдаланиб, ўз чўнтакларини қаппайтираяптилар.

Бойбўтаевнинг айтишича, бозор қошида тайёрлов-савдо корхонаси ишлаб турибди. Унинг «тегирмон»и ёмон айланмаяпти. Бизнингча, ушбу корхона ишини тағин ҳам ривожлантириш, маҳсулот тайёрлашда фақат хўжалик субъектлари билан эмас, балки шахсий томорқа эгалари билан ҳам яқин ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда, эҳтимол, бекорчилик сабабли олибсотарлик билан шуғулланаётган шахсларни меҳнат шартномалари орқали ишга жалб қилиш ва пировардида бозорларда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш, нарх-навони арзонлаштириш учун имкон яратилган бўлар эди.

Вилоят бозорлар уюшмаси раиси Хурсанд Каримов мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, Сурхондарёда ҳам сезиларли ижобий силжишлар бўлганини таъкидлади. Чунончи, хусусий бозорлар билан рақобат шакллантирилди. Бозор тушумлари бир йил мобайнида икки бараварга оширилди. Бу — яхши. Лекин... Термиз тумани бозорларида, билсангиз, шу йилнинг апрель ойида патта тушуми 45,5 минг сўмдан ошмабди. Термиз туманининг деярли ҳар бир қўрғонида ўзига яраша бозори бор. Учқизил қўрғони (туман маркази)нинг одамлари, масалан, 4 кило пиёз ёхуд бир боғ кўкат олиш учун йигирма чақирим йўл тортиб, Термиз шаҳрига бормаса керак?

Олтинсой, Музработ туманлари бозорлари ҳақида ҳам шундай мулоҳазаларни билдирамиз.

Тарози — ҳалоллик ўлчами, дейдилар. Бозорнинг баракоти-ю, саховати шундан. Тарози бошида турганларнинг ҳаммаси — деҳқондан тортиб, бозор маъмуриятигача инсоф ва адолат ўлчамларини асосий мезон деб билса, табиийки, барака устига барака ёғилаверади.

### УЧИНЧИ МАНЗАРА

**Нарзулла РАВШАНОВ (Қашқадарё):**

— Айтинг-чи, тўрхалта кўтариб, бозорўчар қилиб юрган ҳокимни кўрганмисиз? Қашқадарёда буни ҳали ҳеч ким кўрган эмас. Эҳтимол, уларнинг вақти йўқдир... Билмадик. Шуларни ўйлаб туриб, бир мўйсафиднинг «Раҳбар бозор ораламай қўйдими, билки, у халқнинг аҳволи билан қизиқмай қўйди» деган гапи ёдимга тушади.

Ғузор деҳқон бозорида бўлганимда, бу гапларнинг маъносини илғагандек бўлдим.

— Ўн йил аввал бозоримизда бўлганмидингиз? — сўраб қолди «Ғузорбозорсавдо» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Қаҳрамон Турсунов.

— Бўлганман.

— Унда бозорнинг қандай аҳволда бўлганлигини биларкансиз. Бир тарафда Ғузор тўраси қўрғонининг харобалари... Жарлик, сойлик, кўлмак, ўнқир-чўнқир... Фақат оти бозор эди-да, 1987-1988 йилларда вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бозор бутунлай қайтадан қурилди. Ғузорликлар ана шундан кейингина бозорнинг нималигини билишди. Ана энди кўринг...

Раиснинг фахр қилганича бор. 250 ўринли замонавий павильон. Унинг икки ёнида ҳар бири 150 ўринли яна шундай иккита қурилма. Қишда қорёмғирдан, ёзда офтобдан сақлайди. Тоза, озода. Сотувчига ҳам, харидорга ҳам қулай. Узоқдан маҳсулот олиб келиб сотувчилар учун кўп қаватли меҳмонхона ҳам мавжуд.

Бозорда шароит яхши. Хўш, маҳсулот таъминоти-чи? Ушбу саволга жавоб излаб, расталарни айланамиз.

— Бодринг неча сўм бўлди?

— Олинг. Арзон. Чўмичлиники, — молини мақтаб кетади қорачадан келган аёл.

— Сабзи Ёрғунчиники, — изоҳ беради бошқа сотувчи. — Ўзимизнинг томорқадан. Тортайми?

Маълум бўлишича, бодринг, сабзи, пиёз каби маҳсулотлар Ғузорнинг ўзидан чиқа бошлабди. Картошка ҳозир ҳам асосан Сурхондарёдан олиб келинаётган экан.

— Ҳадемай маҳсулотлар тури кўпаяди, — дейди саволимизга жавобан жамият раиси. — Тумандаги 16 та хўжалик, 20 фермер, 180 деҳқон билан шартномамиз бор. Шунга кўра, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз туманларидан деҳқонлар мева-чева келтириб сотишмоқда. Ўзимизнинг 4 та дўконимизда ҳам ана шундай маҳсулотлар бор. Анча арзон.

— Ҳозиргача шартнома бўйича қайси хўжаликдан қанча маҳсулот келтирилди?

— «Шўртан» хўжалигидан 6 тонна пиёз (килоси 40 сўмдан) олдик. «Истиқлол» хўжалиги сабзавот бригадаси бошлиғи Арал Раҳимов 4 тонна картошка келтирди. Энди сабзавот, полиз маҳсулотлари олиб келмоқчи...

Шартномаларга кўз югуртириб, шунга амин бўлдикки, бирорта ҳам хўжалик апрель, май ва июнь ойларида на бодринг, на помидор етказиб бериш мажбуриятини олмаган. Ҳаммаси бундай маҳсулотларни учинчи чоракда сотиш учун шартнома тузишган.

— Нега?

— Ҳали хўжаликлар эртанги сабзавот етиштиришга ўрганишгани йўқ-да, — изоҳ беради Турсунов.

— Деҳқонлар етиштиришаётган экан-ку?

— Ҳа, энди... Маҳсулотни эрта етиштирган киши шунга яраша фойда ҳам кўраяпти-да.

— Нима, хўжаликларга фойда керакмасми?

— Керак, албатта...

Раиснинг айтишича, апрель ойида пул тушуми 3 миллион 89 минг сўмни ташкил этибди. Бултур йил мобайнида 24 миллион сўм бўлган экан. Ана шулар эвазига 1997-1998 йилларда бозорни ободонлаштириш учун 8 миллион 600 минг сўм сарфланибди. Тадбиркорлар ҳисобидан 6 миллион 600 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилибди. Мавжуд 4 миллион 417 минг сўмлик акциянинг ҳаммаси сотилган, акциядорлар дурустгина фойда олаётган экан. Бозор ходимларининг ойлик маоши 8-10 минг сўмга етибди.

— Ҳали камчиликларимиз кўп, — эътироф этади Қаҳрамон Турсунов. —Мисол учун, олибсотарлик ҳолларига тўла барҳам беролмаяпмиз. Маҳсулотлар тури нисбатан кам. Лекин қараб турганимиз йўқ. Четдан мижозларни жалб этаяпмиз. Шартнома бўйича хўжаликларга маҳсулотнинг пули ўз вақтида ўтказиб берилаяпти. Мақсад — бозорни сархил ва арзон маҳсулотга тўлдириш, нарх-навони тушириш.

Ният — яхши. Интилиш бор. Бозорни обод қилиш учун ички имкониятлардан фойдаланилаяпти. Лекин бозорнинг ободлиги кўпчилик биланлигини унутмаслик керак.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

*Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан кўринадики, бозорларимизда қатъий тартиб ўрнатиш, савдо-сотиқ жараёнини рисоладагидек ташкил этиш учун ҳали кўп тер тўкилиши лозим. Буни тушунса бўлади. Зотан, бозор жамият тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисадир. У инсонни боқади, яшашга, ҳисоб-китобга, тадбиркорликка ўргатади. Халқимизнинг «Отанг бозор, онанг бозор», деган ҳикмати бекорга айтилмаган.*

*Бугунги ўзгаришлар силсиласи бозор хўжалигини ҳам тубдан ислоҳ қилишни, унинг фаолиятига замонавий талаблар асосида янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Афсуски, жойлардаги айрим ҳокимлар, мутасадди раҳбарлар ҳамон эскича иш юритиш «касали»дан халос бўлишмаган кўринади. Бозор маъмуриятларининг фаолияти кўпинча савдо ўринларини ижарага бериш-у, патта сотишдангина иборат бўлиб қолаётир. Маҳсулот етиштирувчилар билан фьючерс шартномалари тузиш, бозорда ижтимоий адолатни таъминлаш, нарх-наво, тозалик ва савдо маданияти устидан доимий назорат қилиш унутиб қўйилмоқда.*

*Эндиликда бундай ўзибўларчилик ва боқимандалик ҳоллари билан асло келишиб бўлмайди. Истеъмол бозорини сархил мол ва маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг ўсиб бораётган кундалик эҳтиёжларини ички имкониятлар ҳисобига қондириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Буни қанча тез англаб етсак, шунча яхши. Талаб ҳамма жойда ва ҳамма учун бир. Деҳқон бозори — деҳқонники, ҳақиқий тадбиркорники бўлиши керак. Уни бедарвоза деб ўйлаганлар қаттиқ янглишадилар.*

*Биз ушбу мавзуга яна қайтамиз.*

**«Халқ сўзи» мухбири Носир ТОШЕВ тайёрлади.**

ЯНГИ НАШР

# НОШИР ВА МАТБААЧИЛАР ЖУРНАЛИ

Республикамиз ношир ва матбаачилари ўз журналларига эга бўлдилар. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ва "РАСТР" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси муассислигида "RASTR" журналининг нишона сони Миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб чоп этилди.



Янги журнал мустақил республикамизда матбаачилик ва ноширчиликни янада юқори поғонага кўтариш, энг сифатли китоблар, газета-журналлар, рангли альбомлар, қутловномалар, этикеткалар чоп этиш учун замонавий матбаа технологиясини амалда қўллашни тарғиб қилади, илғор тажрибаларни оммалаштиради.

"RASTR" саҳифаларида энг замонавий матбаа машиналарини ишлаб чиқарадиган фирмалар, қоғоз ва бошқа матбаа хомашёларини тайёрлайдиган корхоналар ўз маҳсулотларини кенг реклама қилишлари учун етарли имкониятлар мавжуд.

Журнални Марказий Осиё давлатлари, Россия, Германия, Италия, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа кўпгина хорижий давлатларга тарқатиш кўзда тутилмоқда.

**(ЎзА).**



## АКЧАКЎЛ СОҲИЛЛАРИДА





Бугун Элликқалъа туманидаги «Камалак» болалар дам олиш масканида бўлган киши гўё олис болалиги билан қайта учрашгандек бўлади. Акчакўл соҳилига жойлашган ушбу оромгоҳда айни пайтда 270 нафар ўғил-қизлар ёзги таътилни завқли ўтказмоқдалар.

Шуниси эътиборлики, «Камалак»да ҳар куни турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Яқинда халқаро «Экосан» хайрия жамғармаси томонидан дам олиш оромгоҳига 4 миллион сўмлик турли жиҳозлар, жумладан, телевизор, каравот, стол-стуллар, спорт анжомларининг тақдим этилиши болалар қувончига-қувонч қўшди.

**СУРАТЛАРДА:** «Камалак» дам олиш оромгоҳидан лавҳалар.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# АБДУЛҲАЙНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

**Ҳаётда шундай одамлар борки, уларнинг ички олами, ташқи кўриниши, юриш-туриши, гап-сўзидан бирор нуқсон тополмайсиз. Агар таъбир жоиз бўлса, ўз қўшиқлари билан эл-юртга анчагина танилиб қолган хонанда Абдулҳай Каримовни ҳам ана шу таъриф билан сийлаган бўлардим.**

Агар ёдингизда бўлса, бундан беш-олти йил аввал «Тўй бола» қўшиғи туғилганди. Туғилди-ю, машҳур бўлиб кетди. Кўча-кўйлардан, метрога тушиш йўлкаларидан, бекатлардан, бозорларнинг қоқ ўртасидан жой олди. Тингловчилар ҳам уни қувониб қаршилашди. «Тўй бола»дан ўзбекча қўшиқ ҳиди келадия, деганди бир дугонам азбаройи хурсанд бўлганидан.

Чиндан ҳам «Тўй бола» яхши қўшиқ. Яхшилиги шундаки, унда миллий руҳ ва миллий жозиба бор. Шунинг учун ҳам у қисқа фурсатда шинавандаларнинг мулкига, меросига айланиб қолди. Яна тағин «Ёр-ёр» никоҳ тўйи рамзи бўлгани каби, «Тўй бола» суннат тўйида янграйдиган қўшиқ мақомига кўтарилди.

1994-95 йилларда америкалик эр-хотин олим Ўзбекистонга келиб, ўзбек халқ тўйлари ҳақида китоб ёзмоқчи бўлишади. Шунда кимдир уларга «Тўй бола» ашуласи ёзилган видеокассетани совға қилади. Эр-хотин кассетани қайта-қайта айлантиришган, кўришган ва жуда кам нарса тушунишган. Дам олиш куни бирданига уйимга қўнғироқ қилиб қолишди. Мақсадлари ашулани менинг ёрдамимда тўлиқ тушуниб олиш экан. Учовимиз бемалол ўтириб, қўшиқни тингладик. Уларга қўшиқ матнидаги баъзи сўзларни батафсил тушунтиришга тўғри келди. Чунончи, «Тўйларига нoввос боқар тоғаси», «Яхши кўриб ўйнагани қум бўлар», «Ўртоқларин нишолдага тўйдирар» сатрларини атрофлича изоҳлаб бердим. Улар ора-сира «Дўкон тўла ўйинчоқ турганда, қум ўйнашга ҳожат бормикан, нишолда нега фақатгина рўза пайтида тайёрланади, новвос ўрнига бошқа замонавийроқ совға қилинса бўлмайдими?» қабилидаги саволлар билан луқма ташлаб туришди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, улар ишхонамдан мени излаб топиб, ёрдамим учун ташаккур билдиришди. Яна айтишдики, улар «Тўй бола»ни суннат тўйида айтиладиган шоҳ қўшиқ деб билишибди. Улар тушуниб етишибдики, қўшиқ халқимиз ҳаётининг бир бўлаги эмиш. Унда меҳмондўстлигимиз, очиқ кўнгиллигимиз аксланиб тураркан. Бир сўз билан айтганда, гўзал халқнинг гўзал қўшиғи экан. Улар ҳозир Америкада. Қўшиқ асосида қисқа метражли фильм яратиш орзусида юришибди.

Ҳақиқатан ҳам, Абдулҳайнинг қўшиқлари содда, халқона ва маълум маънода, ўзидан ўзбекона нафас уфуриб туради. Шу ўринда унинг «Марғилондан қиз олинг», «Тошкент», «Ошналар-оғайнилар», «Кимлар яшайди Туркистонда?», «Онажонинг рози қил» каби қатор қўшиқларини ёдга олайлик. Аввало, қўшиқ сўзи, яъни шеърда сохталик, зўрма-зўракилик йўқ. Улар дала гулларидай безаксиз ва беғубор. Бунинг ўзи бир гўзаллик. Энди унга иккинчи бир гўзаллик — яхши мусиқа келиб қўшилишини тасаввур қилайлик. Учинчидан эса, хонанда юракдан чиққан овоз билан куйлайдики, тингловчи мафтун бўлади-қўяди.

Кези келганда, қўшиқ сўзлари хонанданинг турмуш ўртоғи, шоира Марҳабо Мамадалиева қаламига мансуб эканлигини ҳам таъкидлаб ўтсак. Ижодий davраларда бу ҳақда ҳазиломуз гаплар ҳам бўлиб туради. Биров «Абдулҳайнинг бахти бор экан-да, хотинининг шоиралиги уни машҳур хонанда даражасига кўтариб қўйдия», деса, яна бирови «кечирасиз, хотини эрининг ёқимтой овози туфайли юзага чиқди», дейди. Мен эса бу икки хил қарашга қўшилмаган ҳолда учинчи йўлдан бораман: «эр-хотин — қўш ҳўкиз» деганларидек, Абдулҳай билан Марҳабо бир-бирини суяб, яхшисини ошириб, юзага чиқиб юришибди. Уларга жудаям ҳавасим келади. Чунки, ҳар ким ҳам Марҳабочалик шеър ёзолмайди, Абдулҳайдек куйлолмайди. Бу ҳақда ўйлар эканман, хаёлимга севимли адиб Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» асарининг бош қаҳрамони Олтиной келаверади. Оддийгина бир қишлоқ қизи олима бўлиб танилгандан сўнг ўзига минг машаққат билан ҳарф ўргатган мактаб ўқитувчисини ҳурмат билан эслайди. Агар рассом бўлганимда, дейди у, болаларни, яъни бизларни опичлаб ариқдан ўтказиб қўяётган ўқитувчимнинг суратини чизган бўлардим.

Мен рассом бўлганимда, Абдулҳай билан Марҳабонинг қўшиқ тўла арава тортиб кетаётган пайтини акс эттирган бўлардим. Қаранг, йўл унча текис эмас. Эр-хотин аравани тенг тортиб кетишаяпти. Йўл-йўлакай гоҳ униси, гоҳ буниси толиқиб ҳам қолади. Бир зумгина тўхтаб, атрофга, ортда ўзларини кузатиб турган одамларга, сўнг ёнидаги шеригига қарайди. Қарайди-ю, ундан илҳом, куч-қувват олади, ҳеч нима бўлмагандек яна йўлда давом этаверади. Одам боласига бундан ортиқ бахтнинг кераги бўлмаса керак.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИНСОН БАРКАМОЛЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Тошкентда «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда республикамиздаги олий ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Улар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишни талаб даражасига кўтариш, ўқув муассасалари ўқитувчиларининг маҳорат ва малакасини ошириш, табиий фанларни ўқитишни янада такомиллаштириш, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишнинг йўл-йўриқларини муҳокама этдилар.

— Инсоннинг маънавий баркамоллиги доимо тараққиётнинг олий мақсади ва муддаоси бўлиб келган, — деди ўз нутқида Тошкент Электротехника алоқа институти катта ўқитувчиси Ж. Ёқубов. — Аммо инсонни ушбу баркамолликдан бебаҳра этадиган ҳолатлар ҳам борки, улар инсоний бўлмаган фазилатлар ва ҳаёт тарзи бўлиб, хунук ва ёмон фаолиятлардир. Бу хусусда инсон олдида турувчи асосий вазифа — яхши ва ёмонни ажратиб олиш, нимани қабул қилиб, нимадан сақланмоқ лозимлигини тушунишдир. Бу вазифани инсон фақат илм ёрдамида ҳал эта олади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ана шу вазифани ҳал қилишда муҳим босқичлардир.

**Умида КАРИМОВА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ИНСТИТУТИ**

1999-2000 ўқув йили учун қуйидаги йўналишларда бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларга талабалар қабул қилади:

1. Кутубхонашунослик ва библиография
2. Ижтимоий-маданий фаолият
3. Халқ бадиий ижодиёти
4. Касбий педагогик тайёргарлик ( санъат ва маданият)
5. Маркетинг ( туризм ва маданият бўйича)
6. Халқаро туризм
7. Сервис (туризм соҳаси бўйича).

**Таълим** ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
**Ўқиш муддати — 4 йил.**
**Ижодий имтиҳонлар** (айрим мутахассисликлар учун): 21 июлдан 25 июлгача.

**Тест синовлари:**
- кундузги бўлимлар учун — 1 августда;
- сиртқи бўлимлар учун — 11 августда.

Ҳужжатлар 1999 йил 20 июлгача қабул қилинади.

**Институт манзили: 700164, Тошкент шаҳри, «Яланғоч» даҳаси, 127-«А» уй.**
**Телефон: 162-12-35, 162-03-23. FAX: 1620323.**

Ф/1896

## Шифокор огоҳлантиради

# МАВСУМНИНГ ХАВФЛИ КАСАЛЛИГИ

Бизга маълумки, ўткир ошқозон-ичак касалликларига ичбуруғ, сальмонеллёз, колиэнтерит, қорин тифи каби касалликлар киради.

Ичбуруғ (дизентерия) инсониятга қадимдан «қон аралаш ич кетиши» номи билан маълум, бу касалликда бемор одам ёки бактерия ташувчи касалликни юқтириш манбаи ҳисобланади.

Микроблар ифлосланган уй-рўзғор буюмлари орқали соғлом кишининг овқат ҳазм қилиш йўлларига тушиб, касаллик пайдо қилади. Пашшалар оёқларига ахлатни илаштириб олиб, маҳсулотларга микробларни қўйиб кетади.

Ичбуруғнинг яширин даври, яъни микроб организмга тушиб, то касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиш жараёни бир неча соатдан 5-7 кунгача давом этади. Ичбуруғда йўғон ичакнинг қуйи қисми зарарланади, касаллик бактериялари шу ерда кўпаяди.

Касаллик бирданига бошланиб, ҳарорат 38-39 даражагача кўтарилади. Бемор қайд қилади ва ичи тез-тез кетади. Касалликнинг биринчи куни беморнинг ахлати сувдек, кейинроқ бироз қон аралаш шиллиқ кетади.

Касалликнинг оғир-енгиллигига қараб, кунига 2-3 мартадан 20-30 мартагача ич кетиши мумкин. Қайд қилиш ва сурункасига ич кетиши натижасида организм ҳолсизланади. Бемор қорнида қаттиқ тутиб-тутиб турадиган оғриқдан безовта бўлади.

Бемор касалхонада ўз вақтида тўғри даволанса, икки ҳафтада тузалади. Бироқ, бемор клиник жиҳатдан тузалса-да, бактериялар сақланиб қолиши мумкин.

Шу сабабли касалликни бошидан ўтказган беморлар шифохонадан чиққанларидан кейин ҳам олти ой мобайнида ҳисобда туришлари ва ҳар ойда текширувдан ўтиб туришлари зарур.

Сурункали ичбуруғи бор беморлар дард оғирлашганда ҳам, тузалаётган даврда ҳам атрофдагилар учун хавфли бўлади. Бунинг учун бундай беморларни бошқалардан вақтинча ажратинг, ҳовли ва хонадонларни доимо озода тутишга одатланинг, овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан олдин қўлларингизни доимо совунлаб ювинг, сувни фақат қайнатилганини ичинг, мева ва сабзавотларни тоза сувда ювиб истеъмол қилишга одатланинг.

Ўткир юқумли ичак касалликларининг энг кўп тарқаладиган тури — ичбуруғ касаллигининг олдини олиш ўз қўлингизда.

**Риҳсибой МАВЛОНОВ,**
**шифокор.**

*Аёллар футболи*

# «ГУЛБАҲОР»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Ўзбекнинг Барчинсифат қизлари спортда ҳам эркаклардан-да қолишмайдиган маҳорат, куч ва ғайратга эга эканликлари Наманганда ўтказилаётган мусобақаларда яна бир бор исботини топмоқда. Бу ерда аёллар футболи бўйича Марказий Осиё давлатлари чемпионатининг иккинчи тур беллашувлари қизғин давом этяпти. Унда Ўзбекистоннинг икки, Қозоғистоннинг уч жамоаси футболчилари ажойиб ўйинлар кўрсатишмоқда.

Дастлабки беллашувлар якунига кўра, Алматининг «Қозоғистон темир йўллари» ва Наманганнинг «Гулбаҳор» жамоалари олдинда боришаётир. Аёллар йилининг муҳим тадбирларидан бири бўлган мазкур биринчилик мусобақалари бир ҳафта давом этади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари жамоа аъзоси **Маъмуржон УЗОҚОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси компаниянинг кадрлар бўлими бошлиғи Гулида Узоқовага умр йўлдоши **Маъмуржон УЗОҚОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ЎзРМХБ» АЖ жамоаси «Ўзсавдомарказ» ОТАЖнинг бош директори Сайфиддин Шергалиевга волидаи муҳтарамаси **Минсахон ШЕРГАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — А. МАДАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.50*
1 2 3 4 5 6